

МАҲАЛЛА ХОДИМЛАРИ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Узаков Кахрамон Пазилдинович

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги

Давлат бошқаруви академияси ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада маҳалла ходимларининг малакасини ошириш тизимида оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлили, “маҳалла” институти ва унинг жамиятда тутган ўрни, маҳалла ходимларининг малака ошириш ишларини ташкил этишининг ўзига хос жиҳатлари ёритилган.

Калит сўзлар: Маҳалла, жамият, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, онлайн, масофавий таълим, малака ошириш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар,

“Маълумки, барча ислоҳотларимиз замини ва кўзгуси бу – маҳалла. Жамиятимиздаги барча жараёнлар маҳалла ҳаётида ўз ифодаси ва амалий ечимини топади.”¹

Президент 2022 йилги парламентга мурожаатномасида маҳалла масаласига алоҳида урғу қаратмоқда. Жумладан, давлат раҳбари ўз мурожаатномасида “маҳалла” сўзини **19 марта** таъкидлаган.

Жумладан ислоҳотларни қуйидан бошлаш кераклиги ва бунда маҳалланинг ўрни масалаларига, “маҳаллабай” ишлаш тизимида, маҳалла нуфузини ошириш масалаларига тўғхталиб ўтилди.

“Маҳалла ўзининг муаммосини мустақил ҳал этиши учун “Маҳалла бюджети” тизими жорий этилади. Бунинг учун янги йилда 1 январдан бошлаб мол-мулк ва ер солиқларининг бир қисми маҳалланинг ўзида қолади.”

Юқоридаги каби масалалар ва ваколатлар маҳалла ходимларига катта масъулият юклайди. Ушбу вазифаларни самарали бажариш маҳалла ходимининг дунё қараши, бошқарувчанлик кўникмаси, ҳуқуқий билими, ташаббускорлиги ва тажрибасига боғлиқ.

Замонавий маҳалла кадрларини тайёрлаш ва шакллантириш учун эса албатта уларнинг малакасини ошириш ишларига алоҳида урғу бериш керак.

Боиси маҳалланинг энг асосий етакчиси бўлмиш раис фуқаролар томонидан сайланиб, у юқоридаги талабларга ҳам жавоб бермаслиги ҳам мумкун.

Бу ҳолатда асосий йўл сайланган раисларнинг малакасини ошириш ва буни

¹ <https://president.uz/uz/lists/view/5774>

сифатли ташкил этиш ҳисобланади.

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 2022 йил 26 январь куни Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясини белгилаш ҳамда уни жорий йилда амалга ошириш масалалари муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Унда давлат раҳбари ўтган йилги Президент сайловида “Инсон кадри учун”, “Давлат – инсон учун” деган ғояларни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида, аҳолининг фикр ва таклифлари асосида 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси ишлаб чиқилганлигини эълон қилди.

Дарҳақиқат ўтган давр мобайнида Ўзбекистонда инсон манфаатлари йўлида амалга оширилаётган чора-тадбирлар давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш соҳасида ҳам бир қанча ислохотларни ҳаётга татбиқ этишни тақозо этди. Жумладан, маҳалла соҳасида салмоқли ишлар амалга оширилди.

Айниқса соҳага оид ҳуқуқий база такомиллаштирилиб, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини самарали ташкил этиш бўйича қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, улар изчиллик билан ҳаёт татбиқ қилинмоқда. Хусусан, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига бир неча бор (26.12.2016 й., 14.09.2017 й., 24.07.2018 й., 16.10.2018 й., 21.12.2018 й., 05.09.2019 й., 11.09.2019 й., 21.04.2021 й., 10.12.2021 й.) тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. 2018 йил 15 октябрда “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови тўғрисида”ги янги таҳрирда қонун қабул қилинди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг бир неча ҳужжатлари ҳаётга татбиқ этилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 февралдаги “Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-4944-сон Фармони (17.03.2021 ҳужжат кучини йўқотган), 2019 йил 2 апрелдаги “Аҳоли муаммолари билан ишлашда маҳалла институтининг мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5700-сон Фармони, 2020 йил 18 февралдаги “Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5938-сон Фармони, 2020 йил 18 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” ПҚ-4602-сон қарори, 2021 йил 18 октябрдаги “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларини ижтимоий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6324-сон Фармони шулар жумласидандир.

Ушбу ҳужжатларда фуқаролар йиғинининг жамиятда тутган ўрни ва нуфузини ҳамда йиғин ходимларининг ваколатлари билан бир қаторда уларнинг

масъулиятини ошириш кўзда тутилган.

Аммо маҳалла соҳасини ривожлантиришда тизим тузилмалари ва ходимларига ваколат, имтиёз беришнинг ўзи етарли эмаслигини англаган ҳолда уларни соҳага оид ҳамда мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларга оид билим-малакаларини ҳам ошириш энг долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Мақоладаги натижаларни олиш учун соҳага оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлили амалга оширилди. Бу орқали мамлакатимизда соҳага доир белгиланган нормалар, яратилган имкониятлар ва ҳуқуқий муносабатлар ўрганилди.

Юқорида таъкидланганидек, маҳалла соҳасида бир қанча ижобий ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Шу мақсадда 2013 йил 10 октябр санасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув курсларини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-2050-сонли қарори билан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузурида давлат таълим муассасаси шаклида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув курсларини ташкил этиш белгиланган бўлиб, унга кўра республиканинг барча ҳудудларида жами 14 та ўқув курслари 2014 йилдан буён фаолият юритиб келмоқда.

Уларнинг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 14 декабрдаги “**Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини оширишнинг ташкилий тузилмаси ва тизими тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**”ги 329-сонли қарорининг 1-иловаси билан тасдиқланган “**Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини оширишнинг ташкилий тузилмаси ва тизими тўғрисида**”ги низом билан тартибга солинади.

Аммо мазкур низом бугунги кун талаблари ва ўзгаришларига жавоб бермайди. Ундаги айрим қоидалар аллақачон ўз аҳамиятини йўқотган. Масалан, ушбу низомнинг 5-бандида ўқув курсларида малака оширувчилар таркиби белгиланган бўлиб, улар фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари), фуқаролар йиғинларининг масъул котиби, фуқаролар йиғининг уқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси ва «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси раҳбари қайд этилган.

Бироқ, юқоридаги лавозимларнинг асосий қисми бугунги кунда тугатилган:

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5325-

сон Фармони билан уқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси лавозими;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги **“Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги ПФ-5938-сон Фармони билан фуқаролар йиғини масъул котиби лавозими ҳамда «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 апрелдаги «Аҳоли муаммолари билан ишлашда маҳалла институтининг мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 5700-сон фармони билан “масъул котиб” лавозими.

Кўриниб турибдики Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 14 декабрдаги **“Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини оширишнинг ташкилий тузилмаси ва тизими тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”**ги 329-сонли қарорини бугунги кун талабларига жавоб бермайди.

Аввало миллий ҳуқуқий базамизга номувофик, қолаверса бугунги ислохотларга жавоб бермайди.

Шу нуқтаи назардан мазкур қарорни янгилаш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.